

“ТИЛ ВА НУТҚ” РИВОЖЛАНИШ МАРКАЗИНИ МЕТОДИК ТАЪМИНЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2021.12.14.030>

Мўминова Наргиза Собитжоновна,
*Мактабгача таълим ташкилотлари директор ва
мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш
институти катта ўқитувчиси*

Аннотация. Мақола мактабгача таълим ташкилотларида таълим-тарбиявий жараённи ташкил этиши, “Тил ва нутқ” ривожланиши марказинини жиҳозлашга багишланган. Шунингдек, “Тил ва нутқ” ривожланиши марказида нутқ ўстириши бўйича ҳафталик мавзулар юзасидан таълим-тарбиявий жараённи ташкил этиши бўйича илмий-назарий фикрлари баён қилинган.

Калит сўзлар: тил, нутқ, мактабгача таълим ташкилотлари, ривожланиши марказлари, тизим, индивидуал ёндашув, руҳий важисмоний ҳолат.

ОСОБЕННОСТИ МЕТОДИЧЕСКОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ ЦЕНТРА РАЗВИТИЯ “ЯЗЫК И РЕЧЬ”

Муминова Наргиза Собитжоновна,
*старший преподаватель института переподготовки и
повышения квалификации директоров и специалистов дошкольных
образовательных организаций*

Аннотация. Статья посвящена организации учебно-воспитательного процесса в дошкольных образовательных организациях, организации центра развития “язык и речь”. Автор высказал свои взгляды на организацию учебно-воспитательного процесса по еженедельным темам развития речи в центре развития “язык и речь”.

Ключевые слова: язык, речь, организации дошкольного образования, центры развития, система, индивидуальный подход, психическая неопределенность.



FEATURES OF METHODOLOGICAL SUPPORT OF THE DEVELOPMENT CENTER “LANGUAGE AND SPEECH”

Muminova Nargiza Sobitjonovna,

Senior lecturer at the Institute of Retraining and Advanced Training of Directors and specialists of Preschool educational organizations

Abstract: The article is devoted to the organization of educational and educational processes in pre-school educational organizations, the organization of the development center “language and speech”. The author expressed his views on the organization of educational and educational processes on weekly topics of speech development in the development center» language and speech».

Key words: language, speech, organizations of preschool education, centers of development, system, individual approach, mental vagueness.

Мактабгача таълим ташкилоти “Илк қадам” мактабгача таълим муассасалари давлат ўқув дастурига асосан ҳар бир бола учун унинг кобилияти, имконияти, руҳий ва жисмоний ҳолатларини эътиборга олган ҳолда зарур шароитларни яратишга интилиши, ҳар бир бола шахсининг бетакрорлиги ва ноёблигини ҳисобга олган ҳолда унинг шахсий қизиқишилари ва эҳтиёжларини кўллаб-қувватлаш, болаларга педагогларнинг таълим-тарбия жараёнида индивидуал ёндашувини амалга ошириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикасининг илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган Давлат талаблари учинчи катта соҳаси “Нутқ, мулокот, ўқиш ва ёзиш малакалари» деб номланган бўлиб, қуйидаги кичик соҳаларни ўз ичига олади:

1. Нутқ ва тил.
2. Ўқиш малакалари.
- 3.Кўл бармоқлари майда моторикаси

Бугунги кунда мактабгача таълим ташкилотларида педагогик жараённи ташкил этишда ривожлантириш марказларидан фойдаланиш масаласи асосий масалаларнинг бирига айланди. Бу эса барча мактабгача таълим ташкилотларида Ўзбекистон Республикасининг илк ва мактабгача ёшдаги болаларнинг ривожланишига қўйиладиган Давлат талаблари ва “Илк қадам” мактабгача таълим муассасасининг Давлат ўқув дастурини амалда қўллаш билан боғлиқдир. Мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячиси Давлат талабларининг “Нутқ, мулокот, ўқиш ва ёзиш малакалари” соҳаси мазмуни асосидаги ўқув-тарбиявий жараённи “Ўзбекистон Республикасининг илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйилган давлат талаблари” асосида амалга оширади.

“Нутқ, мулокот, ўқиш ва ёзиш малакалари” соҳасидаги ўқув-тарбиявий фаолият “Илк қадам” Давлат ўқув дастурида берилган йиллик мавзувий режа асосида ой мавзулари ва ҳафта мавзуларига асосланиб ,фаоллик марказларида ва кун давомидаги турли фаолиятларда олиб борилади.

Хафта мавзулари бўйича қуидаги ривожлантириш марказлари иши ташкил этилади:

1. “Тил ва нутқ” ривожланиш маркази.
2. “Куриш, конструкциялаш ва математика” ривожланиш маркази
3. “Санъат” ривожланиш маркази
4. “Фан ва табиат” ривожланиш маркази
5. “Сюжетли – ролли ўйинлар ва саҳналаштириш” ривожланиш маркази

“Тил ва нутқ” ривожланиш марказида нутқ ўстириш бўйича ҳафталик мавзулар юзасидан таълим-тарбиявий жараёнлар ташкил этилади. Бунда тарбиячи томонидан аввалдан хафта мавзусига мос бўлган расмлар, ўйинлар, кўргазма ва тарқатма материаллар тайёрланади. Марказларда ишлаш учун тарбиячидан янгиликка интилиш, ўз устида кўпроқ ишлаш ва болаларнинг ҳоҳиши истакларини инобатга олиш талаб этилади. Шунингдек, тарбиячи бошка марказ фаолиятларида ҳам, кун таркибининг бошка қисмларида ҳам болаларнинг ўз фикрларини изчил баён қилиш ва хуносалар чиқариш, атроф-олам ҳақидаги ўз кузатишларини баён қилишларида ҳам болаларнинг нутқларига эътибор беради ва уни ривожлантиришга ҳаракат қиласди.

Марказда ишлаш жараёнида болаларда нутқ, катталар, тенгдошлари билан, ўйинчоқ ва техник воситалар билан мулоқот ривожланади. Яъни телевизор орқали кўрсатилаётган роликлардаги саволларга жавоб беради, дўсти билан сухбат қуради, ўз фикрини ўтказиш орқали болаларча тортишувлар кечади. Хиссият ривожланади. Боланинг фикрини қўлловчилар бўлса, унинг кайфияти кўтарилади. Кайфияти тушган болага нисбатан ўзаро ёрдам, уни кўнглини кўтариш жараёnlари кетади. Бу ҳолатларни четдан кузатаётган инсон улар бир-бирлари билан мулоқот орқали нутқлари ривожланаётганлиги тушунадилар.

“Тил ва нутқ” ривожланиш марказида (1-расмлар) китобларга меҳр бериш ва эшлиши ҳамда ёзиш учун ўқув қуроллари мавжуд бўлади. Бу тинч бурчак бўлиб, унда болалар китобларни қараб чиқишилари, бир-бирларига расмлар асосида ўқиб беришлари мумкин.

Шунингдек, бу марказда ҳарфли кубиклар (суратли альфавит; кирилл, лотин), магнит доска, кўргазмали ва тарқатма қуроллар (турли мавзудаги), ўйрўзғор буюмларнинг тўплами (кийим, идиш-товоқ, мебель, ўйинчоқлар). Ижодий хикоя тузиш учун плакатлар: “Менинг шаҳрим”, “Бизнинг оила”, “Куз”, “Йўл ҳаракати қоидалари”, “Қиши”, “Қиши ўйинлар”, “Уйимизга қорбобо келди!”, “Гурухимиздаги жонли бурчак”, “Мен қушларни овқатлантиридим”, “Мен қиши байрамини қандай ўтказдим?”, “Баҳор келди”, “Онамларнинг байрами”, “Наврўз байрамини қандай ўтказдим?”, “Коинот”, “Ёз фасли”, “Метрода”, “Цирқда”, “Дам олиш куни”, “Гулзордаги гулларни қандай парвариш қилдик?”, “Ёқтирган ўйинчоғим”, “Ёқтирган ўйинларим”, “Энг якин ўртоғим”, “Дадамларга ёрдам бердим”, “Зўр мультфильм кўрдим”, “Қўғирчоқ театрига бордик”, “Мен онамга ёрдамчи”, “Мен дадамга ёрдамчи”, катталар меҳнати, байрамлар, буюк сиймолар, қадимги шаҳарлар: Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз, Хива, Ўзбекистон худудидаги тарихий обидалар, қадимий ёдгорликлар, замонавий инишотларга таалуқли мазмунли плакатлар ва шу билан бирга гуруҳдаги кичик кутубхона қошидаги болалар учун тавсия этиладиган адабиётлар тартиб билан жойлаштирилади:



Ўзбек болалар адабиёти;
Жаҳон болалар адабиёти;
Бадиий адабиёт;

Мультимедия жиҳозлари (телевизор, компьютер ва ноутбук, экран, проектор) билган ҳолда ўз нутқидаги камчиликларни бартараф этиб бориши керак. Нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш қўниммалари соҳасида куйдаги жиҳозлар бўлиши керак.

1-расм

Соҳа: Нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш қўниммалари							
T/р	Жиҳоз номи	Ўлчов бирлиги	Илк ёш гурухи (2-3 ёш)	Кичик гурух (3-4 ёш)	Ўрта гурух (4-5 ёш)	Катта гурух (5-6 ёш)	Тайёрлов гурухи (6-7 ёш)
1.	Икки табақали магнитли доска	дона	1	1	1	1	1
2.	Ҳарфли кубиклар тўплами	тўплам			1	1	1
3.	Ҳикоялар тўқиши учун сюжетли расмлар	тўплам		1	1	1	1
4.	Инглиз тилида карталар тўплами	тўплам				1	1
5.	Инглиз тилида ҳарфлар тўплами	тўплам				1	1
6.	“Йил фасллар”» сюжетли расмлар	тўплам	1	1	1	1	1
7.	Алифбо (кесма ҳарфлар)	тўплам				1	1
8.	Сўзда товушни аниқлаш учун мавзули карталар	тўплам				1	1
9.	“Ўзбекистон Республикаси байрамлари” афишалар тўплами	тўплам	1	1	1	1	1
10.	Ўзбекистон Республикаси давлат рамзлари	тўплам	1	1	1	1	1
11.	Шарқнинг буюк мутафаккирлари	тўплам		1	1	1	1
12.	“Ўзбекистон шаҳарлар”» афишалари	тўплам		1	1	1	1

Юқорида кўрсатилган марказларнинг ҳар бири нутқ ва мулоқотдан иборат. Шундай экан “Тил ва нутқ” ривожланиш марказидаги фаолиятнинг ўрни боланинг тенгдошлари билан мулоқот қилишга, янги сўзларни ўрганишга, ўз фикрларини баён қилишга, тўқима, ҳаёлий ҳикоялар тузишга, ўзгалар фикрини тинглашга ўргатади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мактабгача таълим вазирлигининг «Мактабгача таълим ва тарбиянинг давлат стандартини тасдиқлаш тўғрисида»ги 802 қарори. – Т.: 2020.
2. “Илк қадам” Мактабгача таълим муассасасининг давлат ўкув дастури. – Т.: 2018.
3. Ш.Содикова. Мактабгача педагогика. Т.:2012.